

Юридик шахсларнинг метрологик хизматлари томонидан метрологик назорат ва текширув.

Режа:

1. Метрологик хизмат ҳақида маълумотлар.
2. Ўзбекистон республикаси Давлат метрологик хизмати.
3. Юридик шахсларнинг метрологик хизмати.

1. Метрологик хизмат ҳақида маълумотлар.

Метрологик хизмат –ўлчашлар бирлигини таъминлаш ишларини бажариш ва метрологик текширув ва назоратни амалга ошириш учун қонунга мувофиқ ташкил этиладиган хизмат.

Давлат метрологик хизмати – Мамлакатда ўлчашлар бирлигини таъминлаш бўйича ишларни минтақалараро ва соҳалараро даражада бажарувчи ва давлат метрологик текшируви ва назоратини амалга оширувчи метрологик хизмат.

Давлат бошқарув идорасининг метрологик хизмати – мазкур вазирлик (маҳкама) доирасида ўлчашлар бирлигини таъминлаш ишларини бажарувчи ва метрологик назорат ҳамда текширувини амалга оширувчи метрологик хизмат.

Юридик шахс метрологик хизмати – мазкур муассаса (ташкилот) да ўлчашлар бирлигини таъминлаш ишларини бажарувчи ва метрологик текширув ҳамда назоратини амалга оширувчи метрологик хизмат.

Ўзбекистон Республикаси метрология хизматининг тузилиши

Ўзбекистон Республикаси метрология хизмати давлат метрология хизматидан ва юридик шахсларнинг метрология хизматларидан таркиб топади.

Давлат метрология хизмати "Ўзстандарт" бошчилик киладиган давлат метрология хизматига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги давлат метрология хизмати органлари киради. (ЎзР 25.04.2003 й. 482-II-сон Қонуни тахриридаги қисм)

Давлат метрология хизмати органлари давлат метрология текшируви ва назоратини, шунингдек фаолиятнинг бошқа турларини амалдаги конун хужжатларига мувофик амалга оширади.

Юридик шахсларнинг метрология хизматлари. Юридик шахсларнинг метрология хизматлари зарурат бўлган ҳолларда ўлчовларнинг ягона бирлигини таъминлаш бўйича ишларни бажариш ва метрология назоратини амалга ошириш учун тузилади.

Юридик шахслар метрология хизматларининг ҳуқуқ ва бурчлари давлат метрология хизмати органлари билан келишиб олинган низомлар билан белгиланади.

ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИНГ РЕГЛАМЕНТИ

1. Хизмат таърифи (паспорти)

1.1. Хизмат номи

Ўлчашилари бажариши усулиятини аттестатлаши

1.2. Хизмат натижаси

Тасдиқланган ўлчашилари бажариши усулияти.

Ўлчашилари бажариши усулияти сертификати.

1.3. Хизмат кўрсатадиган органлар ва бланкларни олиш жойлари

- давлат метрологик хизмат органлари: "МХКМ" ДК, СМСИТИ*
- ЎБУ аттестатлашдан ўтказиши ҳуқуқига аккредитланган юридик шахслар.*

• ўлчашилари бажариши усулияти лойиҳаси илова қилинган расмий хат.

1.4. Ҳуқуқий асослар

Ўзбекистон Республикасининг Қонунари: "Мувофиқликни баҳолаши тўғрисида", "Метрология тўғрисида", "Стандартиштириши тўғрисида", "Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириши тўғрисида", "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиши тўғрисида", "Ахборотлаштириши тўғрисида", "Энергиядан оқилона фойдаланиши тўғрисида".

1.5. Хизмат олувчилар

- ЎБУдан фойдаланувчи юридик шахслар (корхоналар, ташиқлотлар, муассасалар ва бошқ.).*

1.6. Расмий талаб берилиш муддати

Муддати белгиланмаган.

1.7. Бажарилиш муддати

Муддати белгиланмайди (ўтказилаётган тежиририилар ҳажмига кўра тахминан 5 ойдан 12 ойгача).

1.8. Тасдиқловчи ҳужжат бериш муддати

Хизмат кўрсатишига шартнома тузиши ЎБУ аттестатлашига талабнома қабул қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади. Шартнома ариза берувчининг олдида 10-30 дақиқа давомида расмийлаштирилади.

2. Хизмат олувчиларни хабардор қилиш

2.1. Ахборот таркиби ва ҳажми

Метрология хизматларининг интеграциялашиш даври. XX асрдаги илм-фан ва техниканинг, шу жумладан давлатлар орасидаги иқтисодий муносабатларнинг шиддатли тусдаги ривожланиши метрологияга ҳам ўз таъсирини ўтказган. Бундаги асосий мақсадлардан бири - ўлчаш бирликларининг турли туманлигига барҳам бериш, умумий қабул қилинган ўлчаш бирликларини жорий этиш, маҳсулотнинг сифатини назорат этишда умумий қоидаларни амалга ошириш ҳисобланган. Шу аснода олдинги асрнинг ўрталарида асосий иқтисодий салоҳиятга эга давлатлар ўртасида СГС ва МКГСС тизимлари жорий этилди. Унинг мантиқий якуни сифатида 1960 йил ўлчовлар ва оғирликларнинг XI Бош конференциясида бирликларнинг ягона халқаро бирликлар тизими (SI) жорий этилди. Бизнинг мамлакатимизда ушбу тизим 1982 йилнинг 1 январидан бошлаб ГОСТ 8.417-81 асосида жорий этилган.

Ҳозирда асосан SI ва СГС тизимлари амалда қўллансада, биринчиси иккинчисини тобора сиқиб чиқармоқда. Бунинг асосий сабаби, бу тизимдан деярли барча давлатларда фойдаланилиши ва унинг қатор қулайликларга ва афзалликларга эгаллиги эканлиги:

- универсаллиги, яъни илм-фан ва техниканинг барча соҳаларини қамраб олганлиги;
- ўлчашларнинг барча турлари ва соҳаларини бирхиллаштириш имконияти;
- катталикларнинг когерентлиги;
- бирликларни юқори аниқликда ҳосил қилиш мумкинлиги;
- физика, кимё ва бошқа шу каби фанларда қўлланадиган формулаларни содда шаклда ифодалаш мумкинлиги;
- ўз номларига эга бўлган каррали ва улушли бирликларни ҳосил қилишнинг ягона тизимда бўлиши;
- ўқитиш жараёнларини юқори дидактиклигини таъминлаш мумкинлиги (ортиқча ва тизимдан ташқари бўлган бирликларни ўрганиш эҳтиёжи йўқлиги);

- давлатлараро илмий-техника ва иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда умумий ечимларни олишда қулай имкониятлар мавжудлиги.

Ўзбекистоннинг мустақиллик давридаги ривожланиш. Ҳозирда метрология соҳаси янада тез ривожланмоқда чунки саноатнинг ривожланиши, ҳозирги замон талабларининг бажарилиши назорат-ўлчаш асбобларига боғлиқдир. Бу эса Ўзбекистон мустақилликга эришгандан сўнг яққолроқ намоён бўла бошлади. Чунки собиқ иттифоқ даврида Ўзбекистонга асосан хом-ашё яратишга асосланган давлат сифатида қаралар эди. Бундан 15-20 йил муқаддам республикада ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМ) 70-80 фоизи хом ашё (асосан қишлоқ хўжалик) маҳсулотлари бўлган бўлса, ҳозирга келиб ЯИМнинг таркибида турли хизмат турлари, истеъмолга тайёр саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ўрин олган. Республиканинг экспорт салоҳияти салмоқли ортишига эришилди. Мамлакатимиз ўз автосаноатига, энергетикасига, коммуникациясига эга бўлди, Халқаро стандартлаштириш ташкилотининг (ISO) тўла ҳуқуқли аъзоси сифатида қабул қилинди.

Мустақиллик йилларида, қисқа давр ичида маҳсулотлар, хизматлар ва жараёнларнинг сифати ва хавфсизлигини ўлчаш воситалари, ўлчаш услубиятлари, малакали мутахассислар, бир сўз билан айтганда метрологик фаолият талабларини амалга оширадиган Метрология бўйича Миллий идора сифатида дастлаб Ўзбекистон Республикаси стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш маркази “Ўздавстандарт” (1992), кейинчалик эса “Ўзстандарт” агентлиги (2002) ташкил этилди. Шу боис барча Ўлчашлар бирлигини таъминлаш давлат тизими (ЎБТДТ) ҳам яратилди. Бу тизим миллий қонунчилик талаблари билан бир қаторда Метрология бўйича халқаро ва регионал ташкилотлар тартиб қоидалари асосида ташкил этилди.

Шундай қилиб бошқа давлатлар билан бир қаторда ўзбек метрологияси турли тарихий тараққиёт босқичларини ўтиб, шаклланди, ривож топа бошлади ва ҳозирда ҳам такомиллашиб ривожланиб келмоқда. Бу соҳани ривожига,

академиклардан: М.З.Хамидхонов, Д.А.Абдуллаев, Н.Р.Юсупбеков, В.Қ.Қобилов, Т.Д. Ражабов, профессорлардан: О.А.Азимов, Р.К.Азимов, М.Ф.Зарипов, Ш.М.Ғуломов, Х.З.Игамбердиев, П.Р.Исматуллаев, Б.И.Мухамедов, О.Ш.Хакимов ва кўплаб фан номзодлари, олимлар, тажрибали метрологлар ўзбек метрологиясининг ривожига катта ҳисса қўшмоқдалар.

Бу борадаги яна бир муҳим аҳамиятга молик бўлган ижобий янгилик сифатида республикада стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида миллий кадрлар тайёрлаш тизимини шаклландирганини кўрсатиб ўтиш лозим. Агар, собиқ иттифоқ даврида мазкур соҳадаги мутахассислар асосан Россия ўқув муассасаларида тайёрланган бўлса, эндиликда ўрта ва олий маълумотли мутахассислар маҳаллий таълим муассасаларида тайёрланиши йўлга қўйилди. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ушбу масалага жиддийлик билан киришилди ва 1992 йилда проф. П.Р.Исматуллаевнинг ташаббуси билан мазкур соҳада мутахассис тайёрловчи кафедра **Тошкент Давлат техника университети таркибида ташкил этилди**. Мазкур кафедра базасида ҳар йили ўнлаб стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида олий маълумотли бакалавр ва магистр академик даражасидаги ёш мутахассислар ҳаётга йўлланма олмақдалар. Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштиришнинг қарийб 40 дан зиёд йўналишлари бўйича кадрларни қайта тайёрлаш “Ўзстандарт” агентлиги қошидаги “Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш” илмий-тадқиқот институтида фаоллик билан олиб борилмоқда.

Давлат метрология текшируви ва назоратини ўтказиш тартиби.

Давлат метрология текшируви ва назорати давлат метрология хизмати органлари томонидан метрология нормалари ва қоидаларига риоя этилишини текшириш мақсадида амалга оширилади.

Давлат метрология текшируви ва назорати метрология соҳасидаги конун хужжатлари талабларига мувофик амалга оширилади.

Давлат метрология текшируви ва назорати объектлари

Куйидагилар давлат метрология текшируви ва назоратининг объектлари хисобланади:

- эталонлар;
- ўлчов воситалари;
- моддалар ва материаллар таркиби ҳамда хоссаларининг стандарт намуналари;
- ахборот-ўлчов тизимлари;
- ўлчовларни бажариш услубиётлари;
- метрология нормалари ва қоидаларида назарда тутилган ўзга объектлар.

Давлат метрология текшируви ва назорати татбиқ этиладиган доиралар

Давлат метрология текшируви ва назорати:

- соғлиқни сақлаш, ветеринария, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;
- моддий бойликларни ва энергетика ресурсларини ҳисобга олиш;
- савдо-тижорат, божхона, почта ва солиқ операцияларини ўтказиш, телекоммуникация хизматларини кўрсатиш; (ЎзР 26.05.2000 й. 82-П-сон Қонуни таҳриридаги хат боши)
- захарли, енгил алангаланувчан, портловчи ва радиоактив моддаларни сақлаш, ташиш ҳамда йўқ қилиб ташлаш;
- давлат мудрофаасини таъминлаш;
- меҳнат хавфсизлигини ва транспорт харакати хавфсизлигини таъминлаш;
- сертификатладиган маҳсулотнинг хавфсизлиги ва сифатини аниқлаш;
- геодезик ва гидрометеорологик ишлар;

- ўлчов воситаларини давлат синовидан, текширувдан, калибрлашдан, таъмирлаш ва метрологик аттестациядан ўтказиш;
- фойдали казилмаларни казиб олиш;
- миллий ва халқаро спорт рекордларини рўйхатга олишга нисбатан татбиқ этилади.

Ўзбекистон Республикасининг норматив ҳужжатларига биноан давлат метрология текшируви ва назорати фаолиятнинг ўзга доираларига нисбатан ҳам татбиқ этилиши мумкин.

Давлат метрология текшируви ва назорати турлари

Давлат метрология текшируви куйидаги тарзда амалга оширилади:

- ўлчов воситаларининг турларини синаш ва тасдиқлаш;
- ўлчов воситаларини ҳамда ўлчовларнинг бажарилиш услубиётларини метрологик аттестация қилиш;
- ўлчов воситаларини, шу жумладан эталонларни текширувдан ўтказиш, калибрлаш;
- ўлчов воситаларини ҳамда ўлчовларнинг бажарилиш услубиётларини синаш, текширувдан ўтказиш, метрологик аттестация қилиш, ўлчов воситаларини ва метрология фаолиятнинг бошқа муайян турларини калибрлаш ҳуқуқига эга бўлиши учун метрология хизматлари, марказлари, лабораторияларини аккредитация қилиш;
- юридик ва жисмоний шахсларнинг ўлчов воситаларини тайёрлаш, реализация қилиш, уларнинг ижараси билан шугулланишга доир фаолияти лицензияланаётганда мазкур шахсларнинг белгиланган метрология нормалари ва қоидаларига риоя этишларини баҳолаш ҳамда тасдиқлаш;
- ўлчовларнинг бажарилиш сифатини ва метрология фаолиятининг бошқа турларини баҳолаш.

Давлат метрология назорати:

- ўлчов воситаларини тайёрлаш, таъмирлаш, уларнинг ижараси билан шугулланиш, уларни реализация қилиш, уларнинг ҳолати ва

кўлланилиши (физик ўлчамлар бирликлари эталонларини, моддалар ва материаллар таркиби ҳамда хоссаларининг стандарт намуналарини, ўлчов тизимларини кўшган холда);

- ўлчовларнинг бажарилиш услубиётларининг кўлланилиши;
- белгаланган метрология нормалари ва коидаларига риоя этилиши ҳамда аккредитация килинган метрология хизматлари, марказлари, лабораториялари фаолияти устидан амалга оширилади. Зарур холларда "Ўзстандарт" қарорига биноан метрология текшируви ва назоратнинг бошқа турлари ва шакллари ҳам белгиланиши мумкин.

Янги ўлчаш воситаларини яратиш янги ихтиролар ва фан ютуқларидан фойдаланишга асосланади, ўлчаш воситаларини кейинги физик, кимёвий ва бошқа тадқиқотларда қўллаш эса ўз навбатида янги илмий муваффақиятларга олиб келади. Фан ва ўлчаш техникасининг ўзаро ривожланиши техник тараққиётнинг асосидир. Бутун дунёда кузатилаётган ўлчаш техникаси соҳасидаги ишларнинг жуда тез ривожланиши айнан шу билан тушунтирилади. Бироқ ўлчаш техникаси қандай суратда ривожланмасин, метрологик тўғри ишлатилмаса у кутилаётган натижа бермайди.

Метрология бўйича ишлар мамлакатимизда илмий-техник ривожланган давлатлар билан ҳамкорликда олиб бориш метрологияни ривожлантиришни ажралмас қисмига айланмоқда.

Метрология ва ўлчаш техникаси бўйича ишларнинг ривожланишига барча мамлакатлар томонидан ажратилаётган маблағлар йил сайин тўхтовсиз ошиб бормоқда. Метрология ва ўлчаш техникаси бўйича ишларда қанча мутахассислар бандлигини тахминан аниқлаш ҳам қийин. Ўлчаш техникаси соҳасидаги ишларнинг бутун дунёда тарқалган масштаби ва метрологияга ажратилаётган эътибор тез орада жамиятнинг техник иқтисодий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.